



«У Эфиопиянинг кўплаб шаҳарларини забт этиб, динсизлар устидан голиб келди. Аллох йўлида сабот-матонат билан курашди. У хақида эшитганинг сари таажжубга тушасан киши. Ўзим ҳам баъзилардан унинг зафарлари - саҳобаларга тенглаштирилганини эшитганман».

Тарихчи Абдулқодир Айдарус «Ан-нур ас-сафир фи ахбар ал-карн ал-ашир» китобидан

Уммат тарихида Сомали аҳолиси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Со-мали ва унинг халқига салбий баҳо берувчилар янглишадилар. Сомалилик биродарларимиз ташқаридан бўлган босимлар ва ички курашлар туфайли, кўпчилиги бошқа ўлкаларга кочиб чиқиб кетишга мажбур бўлмоқдалар. Оғир шароитда яшаётганлари учун, уларга нисбатан нотўғри муносабатда бўлмаслигимиз керак. Шунингдек, у ерда миллатчилик кучайган бўлиши ҳам мумкин. Сомали ўлкаси Ислом уммати учун, тарих зарваракларида ўчмас из қолдирганидан кўпчиликнинг хабари йўқ.

Сомалини қадимдан қамбағал, очарчиликда қун қўради ва урушдан боши чиқмайди деганлар, уни дунёдаги энг бой ўлка ва Қадимги дунёнинг савдо маркази бўлганини билиб олсин! Сомалилик денгизчилар ва савдогарлар қурилиш учун керакли бўлган ёғочлар, кўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда олтин ва зираворлар билан таъминлар эдилар. Сомали Фиръавн, Финикия, Бобил, Греция, Рим цивилизация-лари

билан, шунингдек, Сабей киролиги ҳамда Эфиопия каби кўшни ўлкалар билан савдо алокаларини ўрнатган. Шу каторда, араблар би-лан сомалиликлар ўртасида кадимдан савдо алокалари бўлиб турган.

Ислом келганидан бошлаб, сомалиликлар Араб ярим оролида араб-мусулмонлари билан савдо килиб, денгизчилар ва бошка юртдан кўчиб келганлар таъсиридан Исломга эрта киришган. Уларга Исломни энг ёккан жихати, одамларга ирки, насл-насабидан катъи назар, бир хил муомала килишлари бўлган. Вакт ўтиши билан сиёсий ва бошка сабабларга кўра, Сомалидан бошпана излаб келган араблар таъсири билан у ерда Исломга кирганлар сони янада ортган. Кейинги асрларда Ислом дини кенг таркалгани боис, Сомали ахлининг кўпчилиги ихтиёрий равишда Исломни қабул килганлар. Сомали якинидаги ўлкалар ҳам секин аста ривожлана бошлаган. Хозирги пойтахти бўлган Могадишо ўша пайтда - Ислом шаҳри» деб аталган.

XV аср охирида португалияликлар Добрая Надежда бурнини кашф киладилар. Бундан кўзланган мақсад биз мактабда ўкиганимиздек савдо килиш учун эмас, аксинча, Мадина шаҳрига бориб Расулulloх соллalloху алайхи васалламнинг қабрларидан таналарини казиб олиб, уни Салоҳиддин Айюбий озод килган Иеруссалимга алмаштириш бўлган. Португалия подшоҳи бу ишга қонхўр Васко да Гамани тайинлаган. Бизга мактабда бу шахсни тадқиқотчи ва денгиз саёхатчиси деб ўқитилган. У аслида мусулмонларни йўқ килишни кўзлаган қонхўр салибчи бўлган. Унинг мақсади Африкадан Осиёга ўтиб, сўнгра Макка ва Мадинага ҳужум килиб, Хиндистон ва Шаркий Осиёни қуч билан диндан қайтариш бўлган. Васко да Гамани қим эканини билиш учун, уни Шаркий Африкага бўлган биргина босқинчилик ҳаракатида 300 га яқин масжидни қайрон қилганини билишлик қифоядир. Бу португалиялик қонхўр Уммон кўрфазида қелаётган юзлаб ҳожиларни сувга чўқтирганини тарих ҳеч қачон унутмайди. Шунингдек, у мусулмонларга ҳизмат қилган бир неча қемани ёқиб юборганини тарихчилар айтиб ўтган.

Португалиялик салибчилар сафавийлар билан бирга сунний мусулмонларга қарши иттифок тузиб, Қизил денгизга қиришга муваффақ бўлганлар. Улар Маккадан унча узок бўлмаган Жидда шаҳрига яқинлаб қолишган эди. Лекин Аллохнинг инояти билан мамлуклар билан Усманийлар, айникса, қасоратли Салим Биринчи ва унинг ўғли Сулаймон Қонуний уларнинг қемаларини тор-мор этадилар.

Қизил денгизнинг қарбий соҳилларида Эфиопия салибчилари билан Португалия империяси ўртасида янги иттифок тузилади. Бундан кўзланган мақсад - Африкадаги мусулмон ўлкаларига ҳужум килиб, Қизил денгизни шаркий қирғоқига қикиб, Расулulloх соллalloху алайхи васалламнинг танасини ўғирлаш бўлган. Уша пайтда Сомалида Султанат Адалъ номли қучли давлат тарқиб топади. Бу давлатни Гозий ёқи Фотих деб аташган. Ахмад ибн Иброхим уни ҳукмдори этиб тайинланган. У қўп ишда қап қўлидан қойдалангани учун, уни қапақай деб аташарди. У ёш қезларида Харэр (Эфиопиядаги шаҳар) шаҳрида бир бир неча уламолардан таҳсил олган. Сўнгра онаси ва қоласи билан Сайла (Сомалидаги шаҳар) шаҳрига қўчиб ўтишган. У ерда тарих ва тафсир илмларини ўрганиб, Қуръон ва ҳадисдан Аллох қодир қилганича ёд олган. Тенгдошлари орасида ўтқир зехни билан ажқалиб турган. Ёшлигига қарамай, улуг олимлардан бўлиб етишган. Христианларни янги иттифоқи тузилганда, Сомалилик бу бақодир умматни қимоя қилишга бел боғлайди. Сомали бақодирлари салибчиларни оғохлантириб, Эфиопияда ўзларининг ерида жанг қилишлик учун йўлга қикадилар. Ахмад Гозий салибчиларга қаттиқ ҳужум қилиши натижасида, мағлуб бўлишини сезган Эфиопия императори Португалия империясидан мадад қучлари юборишлигини сўрайди. Португалия имом

Ахмадга карши катта харбий денгиз флотини юборади. Христиан альянси кўшинини Васко да Гаманинг ўгли Криштован бошқаради. Шу пайт дахшатли христиан альянсига карши Ислом оламига ялпи сафарбарлик эълон қилинади. Усманийлар халифаси Ахмад Гозий етакчилиги остида артиллерия бўлинмасини жўнатади. Имом Ахмад билан бирга боскинчиларни йўлини тўсиш учун Яман аскарлари етиб келади. Имом Ахмад Гозий рахбарлик қилган бу улуг Ислом альянсига Эфиопия мусулмонлари ва бошқа ўлкалардаги мусулмонлар келиб қўшиладилар. Натижада Мусулмон альянси салибчиларни тор-мор этиб, уларнинг бошлиги Криштован да Гамани асир олишади. Сарвари коинот бўлган энг улуг инсонни қабрини очмокчи бўлгани учун. уни ўлим жазосига ҳукм қиладилар.

Ўзоқ йиллар давомидаги галабанинг натижасидан, имом Ахмад Эфиопия империясини тўртдан уч қисмини эгаллаб, бир канча салибчилар баходирларини мағлуб этади. Сомалилик улуг баходир Аллох йўлидаги шаҳидликни ният қилиб, уруш майдонларида доимо қўшинини ўзи бошқарар эди. Шундай урушларнинг бирида салибчилар томонидан қатл қилинади. Кахрамонимиз тарих зарваракларида мисли қўрилмаган одиллик ва фидокорлик акс этган ўчмас из қолдириб кетди.

Сомалилик биродарларимизни Ислом уммати шарафини ҳимоя қилган бу ҳаракатларидан кейин ҳам, уларга бўлган фикрингиз ўзгаргани йўқми?

Кизил денгиздаги ҳаракатлари амалга ошмай қолгандан сўнг, португал салибчилари Араб ярим оролидаги мусулмонларга қарши душманлик режаларини тўхтатдиларми? Салибчилар Уммонни қандай қилиб босиб олишган?

Уммонни озод қилиш ҳаракати португал босқинчилигига қарши қандай чора қўрган? Португалия салибчиларини Уммон заминидан қувиб чиққан баходир ким бўлиши мумкин?

Ат-Туробийнинг

"Ислом умматининг 100 буюк шахси" китобидан